

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**НАБИЕВ ҒАЙРАТ ШУХРАТ ЎҒЛИ**

**ЭКСПЕРТНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи  
ва суд экспертизаси

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2026 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Набиев Гайрат Шухрат ўғли**

Экспертнинг жиноят процессуал фаолиятини такомиллаштириш масалалари.....5

**Набиев Гайрат Шухрат угли**

Вопросы совершенствования уголовно процессуальной деятельности эксперта.....25

**Nabiev Gayrat Shukhrat ogli**

Issues of improving the criminal procedural activity of the expert.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**НАБИЕВ ҒАЙРАТ ШУХРАТ ЎҒЛИ**

**ЭКСПЕРТНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи  
ва суд экспертизаси

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2026 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Yu1253 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.proacademy.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Астанов Истам Рустамович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Пулатов Бахтияр Халилович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Хидоятлов Бахтиёр Батирович**  
юримдик фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**  
**Малака ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил “22” май куни соат 15-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (83-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2026 йил “8” май куни тарқатилди.  
(2026 йил 8 майдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

**В. Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

**Ш.И. Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ғ.М. Шодиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноят процессида исботлаш жараёни кўпинча махсус билимларга эга бўлган шахслар – экспертлар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, жиноятчиликнинг миқёси ва мураккаблиги бу эҳтиёжни кескин оширмоқда. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 450 минг қасддан одам ўлдириш содир этилади<sup>1</sup>, трансмиллий уюшган жиноятчилик эса жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 3 фоизгача бўлган қисмида зарар етказиши<sup>2</sup>, 2025 йилда кибержиноятчилик натижасида 10.5 триллион доллар зарар етказилганлигини келтириш жоиз<sup>3</sup>. Ушбу глобал таҳдидлар шароитида, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашда ҳамда исботлаш жараёнининг адолатини амалга оширишда илмий асосланган эксперт хулосасининг ролини ошириш, унинг ҳолислиги ва жавобгарлигини кучайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш, эксперт хулосасининг сифати ва ишончилигини ошириш бўйича ҳуқуқий ечимларни излашга қаратилган илмий тадқиқотларга эътибор кучаймоқда. Хусусан, АКШнинг “The Innocence Project” маълумотларига кўра ДНК таҳлили ёрдамида айбсизлиги исботланган шахслар сони 375 нафардан ортиқни ташкил этади<sup>4</sup>. Бу эса ўз навбатида экспертнинг объектив хулосасининг исботлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб, жиноятлар юзасидан аниқ ва ишончли суд-эксперт хулосаларини олиш, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жараёнларида эксперт хулосасининг юридик кучини тан олиш масаласи долзарблашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, кўпгина мамлакатларда суд экспертизаси тизимини модернизация қилиш, унинг мустақиллигини кафолатлаш ва касбий малака стандартларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги стратегик ислоҳотларнинг бош мақсади инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, бу борада суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришга давлат даражасида аҳамият қаратилмоқда. Шу билан бирга сўнгги йилларда айрим турдаги жиноятлар, жумладан, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи (42,6 фоизга), қурол-яроғ муомаласи (17,4 фоизга), қимор ўйинларни ташкил этиш (62,3 фоизга) жиноятлари кескин ошганлиги<sup>5</sup> бу борада асосий исботлаш воситаларидан бири бўлган эксперт хулосаларининг сифатини ошириш ва экспертлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат мазкур тадқиқотнинг нафақат назарий, балки амалий долзарблигини ҳам белгилаб беради.

<sup>1</sup> БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси “Global Study on Homicide” <https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/global-study-on-homicide.html>

<sup>2</sup> БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC). Ҳисобот номи: “Transnational Organized Crime Threat Assessment” <https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/glotip.html>

<sup>3</sup> Cybersecurity Ventures <https://cybersecurityventures.com/cybercrime-damages-6-trillion-by-2021/>

<sup>4</sup> he Innocence Project. DNA Exonerations in the United States. [Electronic resource]. - URL: <https://innocenceproject.org/dna-exonerations-in-the-united-states/>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг ҳисоботи URL: [https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com\\_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=469&id=3707&Itemid=1000000000000](https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=469&id=3707&Itemid=1000000000000)

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят кодекси (1994), Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни (2010), “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун (1996), “Суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2020), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2018), “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони (2022), “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони (2023), “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2021), “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2022), “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2025), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (2023), “Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (2023), “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшма чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1 Қарори (2025), “2026 йилда республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2 Қарори (2026) ҳамда бошқа соҳага оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатдан бажарилишига муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш, экспертнинг процессуал мақоми муаммолари миллий ва хорижий жиноят-процессуал фанининг муҳим йўналишларидан саналади. Мамлакатимизда жиноятларни исбот қилиш жараёнида суд экспертизасининг умумий жиҳатлари, унинг айрим турлари Г.А.Абдумажидов, Р.К.Абдуллаев, махсус билимлар тушунчаси ва улардан фойдаланиш масалалари И.Р.Астанов, Л.О.Барақаев, З.Ф.Иноғомжонова, мутахассиснинг жиноят-процессуал фаолияти масалалари Н.А.Норова, Ю.С.Пулатов, суд экспертиза

муассасаларининг фаолияти ва экспертиза хулосаларини баҳолаш У.Х.Рахимова, Б.Н.Рашидов, А.У.Халилов, М.Х.Эшназаров ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатларида суд-экспертлик фаолиятининг назарий муаммолари, хусусан, “махсус билимлар” тушунчаси ва унинг концептуал асослари Т.В.Аверьянова, В.Д.Арсеньев, Р.С.Белкин, С.Ф.Бычкова, Е.А.Зайцева, Ю.Г.Корухов, В.Н.Махов, Ю.К.Орлов, А.Н.Петрухина, Е.Р.Россинская, В.В.Степанов, Л.Г.Шапиро, эксперт ва мутахассис мақомларини қиёсий таҳлил қилиш масалалари Р.С.Белкин, Т.В.Аверьянова, В.М.Быковларнинг ишларида, экспертнинг жиноят-процессуал мақоми ва фаолияти М.В.Жижина, Е.А.Зайцева, А.В.Кудрявцеваларнинг тадқиқотларида, комплекс экспертиза ўтказиш муаммолари Г.П.Аринушкин, А.Ф.Соколов, Р.Ю.Смирнов, В.Т.Заболоцкий, А.М.Зинин, И.Ф.Крылов, Н.П.Майлис, М.П.Перякина, Е.Ю.Самутичева, Т.В.Сахнова суд экспертизасининг турли назарий жиҳатларига бағишланган.

Хорижий давлатларда экспертнинг жиноят процессуал фаолиятига оид масалалари Michael Bowers, Paul L. Kirk, Michael Bohlander, Lowell W.Bradford, David L.Faigman, David H.Kaye, Michael J.Saks, Jennifer L.Mnookin, David Ormerod, Paul Roberts, Michael Stockdale, Morris Ploscowe, Peter J. van Koppen, Matthias Jahn ва Hans Kudlich каби олимлар томонидан ўрганилган.

Шу билан бирга, экспертнинг жиноят процессидаги фаолиятини унинг бутун жараён давомидаги иштироки, процессуал мақомининг барча элементлари, фаолият самарадорлигига таъсир этувчи амалий муаммолар ҳамда уни такомиллаштиришнинг комплекс ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яхлит тизим сифатида ўрганувчи махсус монографик тадқиқотларнинг амалга оширилмаганлиги ушбу диссертация мавзусининг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб, “Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини қўллашни такомиллаштириш муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида эксперт фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида экспертнинг жиноят процессуал фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят процессида эксперт тушунчасининг мазмун-моҳиятини, унинг замонавий юридик фандаги турли назарий-ҳуқуқий ёндашувлар асосидаги талқинларини тадқиқ этиш;

экспертлик институтининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини тарихий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларини даврлар кесимида очиб бериш;

экспертнинг жиноят процессидаги ҳуқуқий мақомини, унинг таркибий элементларини (ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарлигини) таҳлил қилиш;

экспертнинг жиноят процессидаги исбот қилиш жараёнидаги ўрнини таҳлил қилиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида эксперт иштирокининг процессуал тартибини, уни жалб қилиш асослари ўрганиш ҳамда бу борадаги амалий муаммоларни аниқлаш;

экспертнинг жиноят-процессуал фаолиятини тартибга солишга оид илғор хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ва унинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчилик ва амалиётга жорий этиш имкониятларини баҳолаш;

ўтказилган таҳлиллار ва хорижий тажриба асосида экспертнинг жиноят-процессуал фаолияти самарадорлигини оширишга, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Экспертнинг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Экспертнинг жиноят-процессуал фаолиятини тартибга солувчи миллий ва хорижий қонунчилик нормалари тизими, унинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ушбу соҳада юзага келаётган тизимли масалалар (муаммолар, зиддиятлар ва камчиликлар) ҳамда мазкур фаолиятни такомиллаштиришга оид илмий-назарий қарашлар ва ёндашувлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг умумий ва хусусий усулларидан, хусусан, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик (сўровнома), илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби махсус усуллар билан бир қаторда, индукция ва дедукция каби умумилмий усуллар мажмуидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

экспертларнинг иш материаллари бўйича манфаатдор томонлар билан давлат суд-экспертиза муассасаси ҳамда нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг раҳбарлари, таркибий бўлинма бошлиқлари ва уларнинг яқин қариндошлари бўлганда тадқиқотлар ўтказиш тақиқланиши зарурати асослантирилган;

экспертнинг жиноят процессидаги ўрнини мустаҳкамлашга, унинг ҳолислигини ва ташқи таъсирлардан ҳимояланганлигини амалда таъминлашга, шахсий ва иқтисодий хавфсизлиги кафолатларини яратишга, экспертиза ҳулосасини ташаббускорнинг ўзига хабар қилишга, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичида тергов сирини сақлаш бўйича институционал масъулиятни кучайтириш кераклиги асослантирилган;

экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш орқали унинг самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий жиноят турлари бўйича экспертиза тайинлашнинг мажбурийлигини белгилаш, комплекс экспертизаларни ўтказиш тартибини соддалаштириш ҳамда терговга қадар текширув босқичида процессуал имкониятларни кенгайтириш лозимлиги асослантилган;

эксперт хулосасининг далилий аҳамиятини ва унга бўлган ишончни тубдан мустаҳкамлаш мақсадида, экспертнинг профессионал компетенцияси замонавий талабларга жавоб беришини назорат қилиш механизмини жорий этиш лозимлиги асослантилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эксперт холислигини таъминлаш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида, эксперт ва унинг раҳбарларининг экспертизадан четлатиш асосларини кенгайтириш асослаб берилган;

жиноят процессида экспертнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, унинг шахсий ва иқтисодий хавфсизлиги кафолатларини яратиш, экспертиза тайинлашнинг мажбурий ҳолатларини замонавий жиноят турлари (кибержиноятлар, экологик ва экстремистик жиноятлар) билан кенгайтириш ҳамда комплекс экспертизаларни ўтказиш тартибини соддалаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

эксперт хулосасининг ишончлилигини ва илмий асосланганлигини ошириш мақсадида, экспертнинг доимий малака оширишини назорат қилувчи самарали процессуал механизмни жорий этиш асослантилган;

экспертиза тайинлаш ва ўтказиш жараёнидаги процессуал ҳаракатлар самарадорлигини ошириш мақсадида, терговга қадар текширув босқичида экспертизага оид имкониятларни кенгайтириш таклифлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ижтимоий сўровлар (530 дан ортиқ эксперт, мутахассис – 200та, суд ва тергов амалиёти ходимлари – 165та, адвокатлар, педагоглар ва бошқалар орасида ўтказилган сўровлар - 165), статистик маълумотлар, экспертиза тергов ҳаракатига оид 100 дан ортиқ, 200 га яқин экспертиза хулосалари ҳужжатлари ўрганилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* шундан иборатки, ундаги хулоса ва тавсиялар махсус билим, эксперт, экспертнинг жиноят-процессуал фаолиятига оид назарий тушунчаларни бойитишга, тизимлаштириш жараёнини такомиллаштиришга, жиноят ишларида эксперт иштирокининг процессуал асосларини бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят ишларида экспертнинг махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал жиҳатларига оид янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* эса унинг натижалардан жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда; Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунини қўллаш амалиётида, шу жумладан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар фаолиятида; олий юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, хусусан, “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Криминалистика”, “Суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш” ҳамда “Далиллар назарияси” фанларидан ўқув машғулоти ўтказишда, шунингдек ўқув, услубий адабиётлар тайёрлашда, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланишда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноят процессида экспертнинг махсус билимларидан фойдаланишга оид миллий қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

экспертларнинг иш материаллари бўйича манфаатдор томонлар билан давлат суд-экспертиза муассасаси ҳамда нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг раҳбарлари, таркибий бўлинма бошлиқлари ва уларнинг яқин қариндошлари бўлганда тадқиқотлар ўтказиш тақиқланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2023 йил 21 февралдаги 73-сонли қарорида 1-илова сифатида киритилган “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида намунавий низом”нинг 5-бандини иккинчи хатбошисини ишлаб иқишда фойдаланилган (Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 2024 йил 8 октябрдаги далолатномаси). Мазкур таклифни инobatга олиниши манфаатдор экспертларни экспертизадан четлатишни таъминланишига эришилган;

экспертиза хулосасини ташаббускорнинг ўзига хабар қилишга, экспертнинг жиноят процессидаги ўрнини мустаҳкамлашга, унинг холислигини ва ташқи таъсирлардан ҳимояланганлигини амалда таъминлашга, шахсий ва иқтисодий хавфсизлиги кафолатларини яратишга, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичида тергов сирини сақлаш бўйича институционал масъулиятни кучайтиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 18 сентябрдаги №9/dn-185-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жиноят ишларини терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичларида кўриб чиқишда қонунийлик ва холисликни таъминлашга хизмат қилган;

экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш орқали унинг самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий жиноят турлари бўйича экспертиза тайинлашнинг мажбурийлигини белгилаш, комплекс

экспертизаларни ўтказиш тартибини соддалаштириш ҳамда терговга қадар текширув босқичида процессуал имкониятларни кенгайтиришга қаратилган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 18 сентябрдаги №9/дн-185-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши кибержиноятлар, молиявий пирамидалар, терроризмни молиялаштириш каби мураккаб ва юқори технологик жиноятларни фoш этиш, ишнинг асоссиз чўзилишига чек қўйилиши учун замин яратди;

эксперт хулосасининг далилий аҳамиятини ва унга бўлган ишончни тубдан мустаҳкамлаш мақсадида, экспертнинг профессионал компетенцияси замонавий талабларга жавоб беришини назорат қилиш механизмини жорий этишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 18 сентябрдаги №9/дн-185-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши суд-тергов амалиётида илмий асосланмаган, эскирган билимларга таяниб хулоса бериш ҳолатларига бутунлай чек қўяди ва бу орқали ҳар бир эксперт хулосасининг ишончилигини юқори даражага олиб чиқиб, одил судловнинг энг муҳим пойдеворларидан бири бўлган ҳаққоний ва холис далилларга асосланган қарорлар қабул қилинишини кафолатлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та (3 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий мақола (6 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда, 3 таси хорижий нашрларда, 5 таси халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари тўпламларида) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг тузилиши кириш, 7 параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси,

натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг “*Эксперт тушунчаси ва экспертлик институтининг генезиси*” деб номланган биринчи боби икки параграфни ўз ичига олиб, унда тадқиқотчи эксперт тушунчасининг мазмун-моҳияти, унинг жиноят процессидаги ўрни ва аҳамияти, махсус билимлар концепцияси ҳамда экспертлик институтининг тарихий шаклланиш босқичлари чуқур таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи “*Жиноят процессида эксперт тушунчаси ва унинг моҳияти*” деб номланган бўлиб, унда жиноят-процессининг иштирокчиси сифатида эксперт, унинг ҳуқуқий мақоми, жиноят ишини очиш ва тергов қилишда, ҳақиқатни аниқлашнинг асосий воситаси бўлган “махсус билимлар” тушунчасининг концептуал асослари ёритиб берилган. Бунда таниқли хорижий олимлар Е.Р.Россинская, С.Ф.Бычкова, Ю.Г.Корухов, В.Н.Махов, В.В.Степанов, Л.Г.Шапиро, А.Н.Петрухина, Ю.К.Орлов, В.Д.Арсеньев, Р.С.Белкин, Е.А.Зайцева ҳамда миллий ҳуқуқшунослар И.Р. Астанов, Л.О.Баракаев, А.У.Халилов, Н.А.Норова, Б.Н.Рашидовларнинг илмий қарашлари билан мунозарага киришган ҳолда, ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти, унинг экспертнинг ҳуқуқий мақоми ва исботлашдаги ўрнини белгилашдаги аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотда И.Р.Астанов, А.У.Халилов, Р.С.Белкин ва Е.А.Зайцеванинг илмий қарашларини ривожлантирган ҳолда, “махсус билимлар”нинг жиноят процессуал аҳамиятини акс эттирувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Диссертант томонидан Т.В.Аверьянова, Д.А.Харченко, И.Р.Астанов, М.Эшназаров, Д.И.Кенжабоев, М.М.Кушназарова, Ю.К.Орлов К.Сатабаев каби олимларнинг “эксперт” тушунчасига берган таърифларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижасида ушбу тушунчанинг жиноят-процессуал моҳиятини янада чуқурроқ акс эттирувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Тадқиқотчи томонидан Р.С.Белкин, Т.В.Аверьянова, Н.А.Норова, Б.Н.Рашидов, В.М.Быков каби олимларнинг илмий қарашлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилган ҳолда, “эксперт” ва “мутахассис” процессуал мақомларининг фундаментал фарқлаган ҳолда, экспертнинг асосий вазифаси махсус билимлар негизида тадқиқот ўтказиш ва иш учун янги далил манбаи ҳисобланган хулосани шакллантиришдан иборат эканлиги; мутахассиснинг роли эса, тадқиқот ўтказмасдан, далилларни аниқлаш, мустаҳкамлаш ва дастлабки баҳолашда терговчи ёки судга техник-маслаҳат кўмагини бериш билан чекланиши лозимлиги ҳақидаги хулосага келинган.

Диссертант томонидан шахсга “эксперт” процессуал мақомини бериш учун учта зарурий ва бир-бирини тақозо этувчи элементнинг – 1) *махсус билимларнинг мавжудлиги*; 2) *жисмоний шахс мақоми*; 3) *ваколатли органнинг процессуал тайинлови* – бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши шарт эканлиги ҳақидаги илмий хулосага келинган.

Диссертант томонидан М.В.Жижина, И.Р.Астанов, Н.Д.Жумагулова, В.М.Горовая, А.П.Антонов, А.К.Семячков, Я.В.Комиссаровларнинг илмий

қарашлари таҳлил қилиниб, *экспертнинг жиноят-процессуал фаолияти* муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Ишнинг биринчи боби иккинчи параграфи “*Экспертлик институти шаклланишининг ретроспектив таҳлили*” унда тарихий манбалар таҳлили асосида мамлакатимиз ҳудудида экспертлик институтининг шаклланиши ноёб ҳуқуқий-маданий заминда кечганлиги асослантирилган. Диссертант томонидан миллий-диний анъаналар, шариат меъёрлари ва кейинчалик роман-герман ҳуқуқий оиласи таъсирининг синтези натижасида вужудга келган ўзига хос ҳуқуқий тизим жиноят процессида махсус билимлардан фойдаланиш амалиётига, хусусан, “эксперт” тушунчасининг мазмуни ва унинг исботлаш жараёнидаги ролининг тадрижий эволюциясига бевосита таъсир кўрсатганлиги баён этилган.

Диссертацияда экспертлик институтининг Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий тадрижи қайта даврлаштирилиб, унинг ривожланиши уч асосий босқичда таҳлил қилинган: *биринчи босқич* (Қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача) Махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган, дастлабки эмпирик шакллари вужудга келган давр (табиблар, изкуварлар, ордалия, шариат); *иккинчи босқич* (XIX аср ўрталаридан 1991 йилгача) Экспертлик фаолиятининг қонуний асослари ва институционал пойдевори яратилган давр. Бу босқич 1864 йилги Суд устави, Совет давридаги илк Жиноят-процессуал кодекслари ва ЎзССРда дастлабки давлат суд-экспертиза муассасаларининг (1929, 1950, 1958 йиллар) ташкил этилиши билан тавсифланади; *учинчи босқич* ((1991 йилдан ҳозирги кунгача) Мустақиллик даври бўлиб, у соҳанинг тубдан ислоҳ қилиниши, миллий қонунчилик базасининг яратилиши (1994 йилги ЖПК, 2010 йилги Қонун), миллий экспертлик тизимининг рақамлаштирилиши ва халқаро аккредитациядан ўтишини қамраб олади.

Диссертациянинг “*Жиноят процессида эксперт иштирокининг ҳуқуқий тартибга солиниши*” деб номланган иккинчи бобида экспертнинг жиноят-процессуал мақоми ва фаолиятининг процессуал тартибини такомиллаштиришга оид тизимли муаммолар тадқиқ этилган. Хусусан, тадқиқотда экспертнинг мустақиллигини амалда таъминловчи кафолатларнинг етарли эмаслиги, унинг процессуал мақомини белгилашдаги зиддиятли масалалар, шунингдек, ишни судга қадар юритиш босқичида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Диссертациянинг иккинчи боби биринчи параграфи “*Экспертнинг жиноят-процессуал мақоми: таркибий элементлари ва процессуал кафолатлари*”га бағишланган бўлиб, унда экспертнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилган процессуал кафолатлар тизими чуқур таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи томонидан Ш.А.Сайдуллаев, А.В.Кудрявцева, Е.А.Зайцева, Р.Абдуллаев, Е.А.Семенов, О.Л.Лапшина, М.М.Утеулин, Е.П.Ореховаларнинг илмий қарашларига таяниб, “экспертнинг жиноят-процессуал мақоми” тушунчасининг таркибий элементларини (ҳуқук, мажбурият ва жавобгарлик) аниқлаштирувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан амалиётда экспертиза тайинлашдан олдин терговчи ва бошқа процессуал шахсларнинг экспертлар билан норасмий маслаҳатлашувлар ўтказиши, бироқ ушбу муҳим ҳамкорликни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмнинг мавжуд эмаслиги, келгусида эътирозли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланган. Бу амалиётнинг кенг тарқалгани муаллиф томонидан ўтказилган сўровномада ўз тасдиғини топди, унга кўра респондентларнинг 80 фоизи экспертиза учун аниқ саволлар қўйиш мақсадида ушбу норасмий усулдан фойдаланишини билдирган. Амалиёт учун муҳим бўлган бундай ҳамкорликнинг қонун билан тартибга солинмаганлиги эксперт ҳолислигига шубҳа туғдириши ва унинг ҳулосасининг мақбулликка эътироз билдирилиши учун замин яратиши мумкинлиги асослаб берилган. Мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш ва юқоридаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида, ЖПКнинг 172-моддасига тегишли қўшимча киритиш ҳақида таклиф ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан амалиётда, айниқса уюшган жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга оид ишларда экспертга ва унинг яқинларига босим ўтказиш хавфининг юқори эканлиги, унинг хавфсизлигини таъминлаш эса мустақиллиги ва холислигининг муҳим шарти эканлиги, бироқ амалдаги қонунчиликда буни кафолатловчи аниқ механизмларнинг етарли эмаслиги эксперт ҳулосасининг ишончлилигига ва тергов сифатига путур етказувчи тизимли муаммо сифатида асослаб берилган ҳамда 79 фоиз амалиётчиларнинг фикрига қолаверса Молдова ва Беларус давлатларининг ижобий тажрибаларига таянган ҳолда, экспертнинг хавфсизлигини кафолатлашга қаратилган нормаларни Жиноят-процессуал кодексининг 68-моддасида мустаҳкамлаш зарурлиги илгари сурилган.

Тадқиқотчи ЖПКнинг 239-моддаси ва “Адвокатура тўғрисидаги” қонуннинг 6-моддаси ўртасидаги ҳуқуқий коллизия ҳолати тергов амалиётида бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги таҳлил қилган. Хусусан, маълумки терговчи тайинлаган экспертиза тўғрисидаги қарори бўйича экспертиза ҳулосасини ва унда назарда тутилган маълумотларни ошкор қилмаслик бўйича эксперт огоҳлантирилади. Бироқ, ҳимоячи ўзининг ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда ўзи ҳимоя қилаётган шахсга оид бўлган экспертиза ҳулосасини олиш бўйича экспертга илтимоснома киритади. Мазкур ҳолатда эксперт ҳимоячига эксперт ҳулосасини бермаслиги қонунга асосан жавобгарлик келтириб чиқаради. Бу борада амалиётдаги ходимлар ўтказилган сўровномада иштирок этган экспертларнинг 52 фоизи тергов сирини ҳимоя қилиш устуворлигини таъкидлаб, ҳулоса тергов яқунланмагунча адвокатга тақдим этилмаслиги кераклигини билдирган.

Диссертант томонидан мазкур муаммони таҳлил қилиш орқали, унинг ечими сифатида экспертга тадқиқотнинг натижаларини фақат ташаббускорнинг ўзига ошкор этилиши лозимлиги юзасидан қонунчиликка таклиф ишлаб чиқилди.

Тадқиқотда амалдаги қонунчиликка кўра, фақат экспертнинг ўзигина тергов сирини ошкор қилмаслик тўғрисида огоҳлантирилиши, бироқ, мазкур иш материаллари билан танишадиган экспертиза муассасасининг раҳбари ва бошқа масъул ходимларга бундай мажбурият юклатилмаганлиги, бу эса

бошқа шахслар томонидан тергов сирини ошкор қилганлик ҳолатлари бўйича экспертнинг ноҳақ жавобгарликка тортилиб қолиш ҳолатларини келтириб чиқараётганлиги ёритилиб, тергов сирини сақлашнинг институционал кафолатларидаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш мақсадида ЖПКнинг 182-моддасига қўшимча киритиш бўйича таклиф берилди. Мазкур таклиф амалиётчиларнинг 79 фоизи томонидан қўллаб-қувватланган.

Диссертациянинг иккинчи боби иккинчи параграфи “*Экспертнинг исбот қилишдаги иштирокининг аҳамияти ва ўрни*”га бағишланган бўлиб, унда экспертнинг жиноят процессида исбот қилишдаги аҳамияти унинг мустақиллиги, ҳолислиги ва жавобгарлигини кафолатлашга қаратилган процессуал кафолатлар тизимини таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи томонидан В.Ю.Тарасов, И.С.Лифинцева, Н.А.Зуйкова, С.А.Головко, Р.С.Белкин, О.А.Котова, И.Н.Горбулинская, В.В.Яровенко, А.В.Фроловларнинг илмий қарашларига таяниб, “*Эксперт ташаббуси*” тушунчасини аниқлаштирувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан ЖПКнинг 68-моддасида экспертга ўз ташаббуси билан қўшимча масалалар юзасидан хулоса бериш ҳуқуқи берилгани муҳим кафолат эканлиги, бироқ бу жараённинг экспертизани тайинлаган орган билан ҳамкорликни назарда тутмаслиги тергов-тезкор тактикани ўз вақтида ўзгартиришга тўсқинлик қилувчи ва далилларни самарали тўплаш имкониятини пасайтирувчи процессуал камчилик сифатида асослаб берилган ҳамда Қозоғистоннинг илғор тажрибасини қиёсий таҳлил қилишга таянган ҳолда, экспертнинг ўз ташаббуси билан хулоса бериш ҳуқуқини экспертизани тайинлаган орган билан келишилган ҳолда амалга оширишини белгилаш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги илгари сурилган.

Диссертант томонидан амалиётда эксперт олдида унинг ваколат доирасидан ташқарига чиқувчи, яъни ҳуқуқий баҳо беришни талаб қилувчи саволлар қўйилиши, процессуал ваколатларнинг аралашувига, эксперт хулосасининг мақбуллигига путур етишига ва суд хатоларига йўл қўйилиш хавфини туғдирувчи тизимли муаммо сифатида асослаб берилган ҳамда етакчи хорижий (Е.Р.Россинская, Ю.К.Орлов, Р.С.Белкин, David L.Faigman, David H. Kaye, Michael J. Saks, & Jennifer L. Mnookin) ва миллий (И.Р.Астанов, Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова) олимларнинг илмий қарашлари ҳамда Қирғизистон ва Арманистон каби давлатларнинг илғор тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилишга таянган ҳолда, ЖПКнинг 67-моддасига экспертнинг ваколат доирасини аниқ чегараловчи таклиф ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан амалдаги қонунчиликда экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлсада, бироқ унга тақиқловчи нормаларнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқий бўшлиқ сифатида баҳоланган, хорижий (Е.А.Зайцева, А.Ткаченко, В.С.Куртенок, Т.Ф.Моисеева) олимларнинг назарий қарашлари ҳамда Қозоғистоннинг илғор тажрибасини ва 68 фоиз амалиётчиларнинг бундай тақиқларни ўрнатиш зарурлиги ҳақидаги фикрига таянган ҳолда, эксперт учун тақиқловчи нормалари ишлаб чиқилиб, ЖПКга киритиш таклифи илгари сурилган.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи “*Ишни судга қадар юритиш босқичида*

*экспертнинг иштирок этиш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари*” деб номланган бўлиб, унда таҳлиллар натижасида терговга қадар текширув босқичида экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг ҳуқуқий механизми мавжуд эмаслиги; комплекс экспертиза ўтказиш тартибининг замонавий талабларга мос эмаслиги; шунингдек, экспертиза ўтказиш муддатларининг уларнинг мураккаблигига қараб табақалаштирилмагани каби процессуал самарадорликка салбий таъсир этувчи муаммолар асослантилган.

Диссертант томонидан бир шахснинг дастлаб мутахассис, сўнг эса айни иш бўйича эксперт сифатида иштирок этиш амалиётининг эксперт холислигига жиддий путур етказувчи манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши асослантилган. Бу ҳолатда эксперт ўз-ўзининг дастлабки ҳаракатларини баҳолашига тўғри келиши ўтказилган сўровномада амалиёт ходимларининг 57 фоизи томонидан ҳам эксперт холислиги учун жиддий хавф сифатида баҳоланган. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида илғор хорижий тажрибага, хусусан, бундай амалиётни қатъиян тақиқловчи Молдова Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига таянган ҳолда, миллий қонунчиликка тегишли ўзгартириш киритиш бўйича аниқ таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган экспертнинг мунтазам малака ошириш мажбуриятининг ижросини таъминловчи самарали процессуал механизмнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқий бўшлиқ сифатида баҳоланган. Респондентларнинг 57 фоизи эксперт хулосасида унинг охириги малака оширган санасини кўрсатиш талаби “экспертларнинг доимий малака оширишига туртки бўлади ва хулосанинг ишончлилигини оширади” деб ҳисоблайди. Ушбу таҳлиллар ва У.Х.Раҳимова, Л.Ю.Югай, Н.А.Анчабадзе ва А.Г.Задоровлар каби миллий ва хорижий олимларнинг илмий қарашларига ҳамда Молдова ва Беларус каби давлатларнинг илғор тажрибасини қийосий-ҳуқуқий таҳлил қилишга таянган ҳолда, эксперт хулосасида унинг охириги малака оширган санасини кўрсатиш талабини қонунчиликда мустаҳкамлаш орқали эксперт малакасининг долзарблигини назорат қилиш ва хулосанинг шаффофлигини ошириш зарурлиги илгари сурилган.

Тадқиқотчи иш учун аҳамиятга молик ҳолатлар бўйича турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда хулоса бериш зарурияти туғилган ҳолатларда комплекс экспертизани бир неча эксперт ўтказиши тўғрисида нотўғри тергов амалиёти шаклланганлигини танқид остига олиб, Г.П.Аринушкин, А.Ф.Соколов, Р.Ю.Смирнов ва У.Х.Раҳимова каби олимларнинг илмий қарашлари, шунингдек, Молдова ва Қозоғистон каби давлатларнинг илғор қонунчилик тажрибаси ҳамда Респондентларнинг 52 фоиз қўллаб-қувватлашлари асосида бир экспертнинг бир нечта экспертиза ўтказиш учун рухсатномаси бор бўлган ҳолатларда, комплекс экспертизани бир нафар экспертнинг ўзи ўтказиши мумкинлиги тўғрисидаги норма киритиш зарурлигини асослаб берган.

Тадқиқотчи томонидан амалиётда ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси, хатшунослик, фоноскопия ва бошқа айрим турдаги экспертиза турларида терговга қадар текширув босқичида экспертиза хулосаси бериш учун экспертиза текшируви учун намуналар олиш муҳим эканлигини, бироқ ЖПКнинг 329-моддасида бу тергов ҳаракати фақатгина жиноят иши қўзғатилганидан сўнг

амалга оширилиши бўйича талаб борлиги сабабли тергов амалиётда қонун бузилишига олиб келувчи салбий омил сифатида шаклланганлигини асослаган ҳолда 84 фоиз амалиётчиларнинг фикрлари асосида экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини терговга қадар текширув босқичида ўтказишга рухсат бериш амалиётида йўлга қўйиш зарурлигини илгари сурган.

Диссертант томонидан давлат суд экспертиза муассасаларида экспертиза тадқиқоти тоифаланмаганлиги, хулоса беришда эса 30 кунлик муддат қатъий белгиланганлиги, бироқ, Ички ишлар вазирлиги экспертиза муассасаларининг фуқароларнинг муурожаатлари асосида пуллик хизматлар кўрсатиши учун белгиланган тартибда экспертиза тадқиқотининг тоифаларга (оддий, ўрта, мураккаб) ажратилганлиги ҳамда шу аснода муддат белгиланганлиги суд тергов идораларининг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлиб қолаётганлигини инобатга олган ҳолда тайинланадиган барча экспертизалар учун мураккаблик даражасидан (оддий, ўртача ва мураккаб) келиб чиққан ҳолда ижро муддатларини жорий этиш зарурияти асослантирилган.

Диссертациянинг *“Экспертнинг жиноят-процессуал фаолиятининг самарадорлигини ошириш истиқболлари”* деб номланган учинчи бобида эксперт иштирокига оид айрим хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда унинг экспертнинг фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар, тавсиялар, ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби биринчи параграфи *“Жиноят процессида эксперт иштирокига оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси”* деб номланган биринчи параграфида АҚШ, Франция, Нидерландия, Буюк Британия, Германия, Япония, Сингапур, Россия Федерацияси, Қозоғистон каби давлатларнинг экспертнинг жиноят процессуал фаолиятини такомиллаштиришга доир нормалари ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

АҚШ ҳуқуқий тизимида қабул қилинган “эксперт-гувоҳ” (expert witness) модели, бир томондан, судьянинг эксперт кўрсатмаларининг илмий асосланганлигини баҳоловчи марказий “дарвозабон” роли билан, иккинчи томондан эса, унинг тортишув тамойилига асосланганлиги билан тавсифланади. Бу ҳолат экспертларнинг, асосан, айблов ва ҳимоя томонлари томонидан шартнома асосида жалб қилинишида, уларнинг ягона давлат реестри ва экспертиза ўтказишнинг қатъий муддатлари мавжуд эмаслигида ҳамда сифат назорати маъмурий йўл билан эмас, балки бевосита суддаги кесишган сўроқ жараёнида амалга оширилишида яққол намоён бўлади.

Шу билан бирга, эксперт хулосасининг мақбуллигини баҳолашда Daubert стандарти (FRE 702) орқали илмий асосланганлик, текшириш имконияти ва хатолик даражаси каби кўп омилли тизим асосида баҳоланиши, экспертиза сифатини таъминлашнинг энг муҳим кафолати ҳисобланади. Хусусий экспертлик фаолиятининг кенг ривожланганлиги эса эксперт хизматлари бозоридаги рақобат ва илмий мустақилликни таъминлашга хизмат қилади.

Континентал ҳуқуқий тизимга мансуб Франция ва Нидерландия экспертлик фаолиятини давлат томонидан юритиладиган расмий реестрлар орқали назорат

қилиш тамойилига асослансада уларнинг ёндашувлари қуйидагича фарқланади. Франция классик инквизицион моделга содиқ қолиб, судья қоида тариқасида, суд рўйхатидаги экспертлар орасидан тайинлайди ва процессуал муддатларнинг бузилиши реестрдан чиқаришгача бўлган кескин санкцияларга олиб келади бўлса, Нидерландия Суд экспертларининг миллий реестрини (NRGD) жорий этиб, ундан фойдаланишни судьялар учун мажбурий қилиш орқали бу назоратни янада кучайтирган. Хусусан, Нидерландия моделида айбланувчига давлат экспертини назорат қилиш учун ўз мутахассисини жалб қилиш ҳуқуқи берилиб, давлат назорати ва ҳимоя ҳуқуқи ўртасида мувозанат яратилади.

Буюк Британиянинг экспертлик фаолиятига оид модели ўзига хос англа-саксон ёндашувини акс эттиради. Унда экспертнинг суд олдидаги ҳолислик мажбурияти уни жалб қилган томон манфаатларидан устун туриши Жиноят-процессуал қоидаларининг (CrimPR) 19-қисмида қатъий белгиланган. Бу давлатда давлат суд-экспертиза ташкилотларининг “яккаҳоқимлиги” бекор қилинган бўлиб, экспертизалар асосан томонлар томонидан жалб қилинган хусусий экспертлар томонидан ўтказилади. Тизимнинг сифат назорати Суд экспертизаси регулятори (Forensic Science Regulator) томонидан ишлаб чиқилган стандартлар орқали таъминланади. Мазкур тажриба эксперт хулосасининг мазмунига юқори талаблар қўйиш (чуқур таҳлилни талаб қилиш) орқали хусусий экспертлик институтининг мустақиллигини кафолатлаш учун муҳим намуна бўлиб хизмат қилади.

Германия тажрибаси суд ёрдамчиси концепциясига асосланади ва эксперт хулосасининг холислигини таъминлаш учун экспертлар расмий реестрлардан тайинланади. Мамлакатда тергов жараёнида бевосита иштирок этган экспертнинг ишига ишончсизлик билдириш амалиёти мавжуд бўлиб, бу экспертнинг ваколат доирасини аниқ чегаралайди. Германияда экспертларга муддатни асоссиз бузганлик учун жарима санкциялари қўлланилади.

Япониянинг жиноят-процессуал тизими ўзига хос, қатъий марказлашган модели билан ажралиб туради. Бунда экспертлик фаолияти асосан Полиция миллий тадқиқот институти (NRPS) томонидан мувофиқлаштирилади. Полиция миллий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллект (AI) асосли таҳлил тизимларининг муваффақиятли интеграция қилиниши катта ҳажмдаги молиявий ҳужжатларни автоматик текшириш орқали экспертнинг техник юкламасини камайтиришга ва шу билан бирга, хулосанинг илмий асосланганлигини оширишга хизмат қилган.

Сингапурнинг экспертлик фаолиятига оид тажрибаси юксак сифатни таъминлашга қаратилган қатъий ёндашуви билан ажралиб туради. Бу моделда экспертларга ғоят юқори малакавий талаб (айрим экспертларга 10 йиллик амалий тажриба ва махсус сертификат) этилади. Шунингдек экспертнинг судда видеоконференция орқали иштирок этиш имкониятини яратиш, процессуал тежамкорликни таъминламоқда.

Россия ва Қозоғистон жиноят-процессуал қонунчилиги махсус билим эгаларини иккита мустақил фигурага – тадқиқот ўтказиб, хулоса берувчи “эксперт”га ва техник ёрдам кўрсатувчи “мутахассис”га аниқ ажратади.

Бироқ, Россия амалиётида мутахассис фикрининг далилий кучи борасида баҳслар мавжуд бўлса, Қозоғистон қонунчилиги бу муаммога аниқ ечим таклиф

этади. Қозоғистон тажрибасининг устунлиги шундаки, агар тарафлар судгача босқичда мутахассиснинг дастлабки фикрига эътироз билдирса, мажбурий тартибда тўлақонли суд экспертизаси тайинланиши шарт. Бу қоида эксперт хулосасининг мутахассис фикридан устун турувчи аниқ процессуал иерархияни ўрнатади ва эҳтимолий ҳуқуқий зиддиятларнинг олдини олади.

Диссертацияда жиноятчиликнинг трансформацияси (кибержиноятчилик, экологик ва экстремистик жиноятларнинг ўсиши) ва суд экспертизасининг ривожланиши ўртасидаги узвий боғлиқликка қарамай, миллий қонунчиликдаги мажбурий экспертизалар рўйхати (ЖПК 173-моддаси) ушбу замонавий таҳдидларга мослаштирилмагани, бу эса ўз навбатида исботлаш базасини заифлаштирувчи омил эканлиги асосланган ҳолда, ЖПКнинг 173-моддасини тайинлашни мажбурий қилувчи аниқ нормалар билан тўлдириш таклиф этилган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “*Экспертнинг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириши*” деб номланган бўлиб, унда амалга оширилган назарий-ҳуқуқий ва қиёсий таҳлиллар асосида қуйидаги комплекс ташаббуслар илгари сурилган.

Ушбу бобда экспертнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, унинг узлуксиз касбий ривожланиш механизмларини жорий қилиш, эксперт ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва меҳнат юқламасини илмий асосда меъёрлаштириш каби ташкилий масалалар, шунингдек, рақамлаштириш (AI, 3D-моделлаштириш) ва мустақилликнинг институционал қафолатларини таъминлаш масалалари илгари сурилган.

